Банда гуноҳ қилди ва: «Эй, Аллоҳим, гуноҳимни мағфират қилгин», деди

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Раббиларидан ҳикоя қилароқ: «Банда гуноҳ қилди ва: «Эй, Аллоҳим, гуноҳимни мағфират қилгин», деди. Шунда У зот таборака ва таоло: «Бандам гуноҳ қилди. Сўнгра ўзининг гуноҳини мағфират қиладиган ва гуноҳ туфайли муохаза қиладиган Роббиси борлигини билди», дейди. Сўнгра у яна қайта гуноҳ қилди ва: «Эй, Роббим, гуноҳимни мағфират қилгин», деди. Шунда У зот таборака ва таоло: «Бандам гуноҳ қилди. Сўнгра ўзининг гуноҳни мағфират қиладиган ва гуноҳ туфайли муохаза қиладиган Роббиси борлигини билди», дейди. Сўнгра у яна қайта гуноҳ қилди ва: «Эй, Роббим, гуноҳимни мағфират қилгин», деди. Шунда У зот таборака ва таоло: «Бандам гуноҳ қилди. Сўнгра ўзининг гуноҳини мағфират қиладиган ва гуноҳ туфайли муохаза қиладиган Роббиси борлигини билди. Хоҳлаганингни қилавер, батаҳқиқ, сени мағфират қилдим», дейди»,- дедилар».
[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Аллоҳ таолодан ривоят қилмоқдалар. Агар банда бир гуноҳ қилса, сўнгра: «Аллоҳим мени кечир»,— деса, Аллоҳ таоло: «Бандам гуноҳ қилди, ва унда гуноҳларни кечирадиган, беркитадиган, кечиб юборадиган ва гуноҳи учун жазолайдиган Раббиси бор эканини тан олди, мен уни кечирдим», – дейди. Сўнгра банда гуноҳга яна қайтди ва Аллоҳга: «Мени гуноҳимни кечир», – деди. Шунда Аллоҳ: Бандам гуноҳ қилди, ва унда гуноҳларни кечирадиган, беркитадиган, кечиб юборадиган ва гуноҳи учун жазолайдиган Раббиси бор эканини тан олди, мен уни кечирдим», – дейди. Сўнгра банда гуноҳга яна қайтди ва Аллоҳга: «Мени гуноҳимни кечир», – деди. Шунда Аллоҳ: Бандам гуноҳ қилди, ва унда гуноҳларни кечирадиган, беркитадиган, кечиб юборадиган ва гуноҳи учун жазолайдиган Раббиси бор эканини тан олди, мен уни кечирдим. Хоҳлаганини қилсин», – деди. Токи банда гуноҳ қиларкан, сўнгра тавба қилиб у гуноҳни қайтиб қилмасликка онт ичиб сўнг нафси устун келиб яна гуноҳ ишни қилиб қўйса, сўнг яна надомат чекиб тавба қилса, Аллоҳ уни тавбасини қабул қилиб кечиришда давом этаверади. Чунки тавба ўзидан олдинги гуноҳларни ўчириб юборади.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/4817